

Яхдон

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими:

Ш.Иигиталиев

Ушбу экспонат XIX асрда Фарғона кандалорлик мактаби услубида ясалган. Ўлчами: 47x114 см бўлиб, Инв: 6181 рақами остида сақлаб келинмоқда.

Музейга 03.05.1981 йилда қабул қилинган. Ранги оч сариқ, қопқоғи бор, тепасида ушлайдиган мосламаси бор. Ўша давр мисгар усталари ушбу буюмга болғалаш йўли билан шакл бериб, мисдай инжиқ металдан нафис санъат асари яратганлар. Яхдон устки қисмига ислимий ва грихли нақшлар билан маҳорат ила моҳирона безак берилганки бу безаклар буюмни оддий уй-рўзгор буюмидан санъат асари даражасига қўтарган. Яхдон деворлари икки қаватдан иборат бўлиб, қаватлар орасидаги бўшлиқ—вакуум изоляция вазифасини бажарган, яъни бу идиш ҳозирги кунимиздаги термос идишлар ўрнида фойдаланилган. Идишдаги маҳсулот совук ёки аксинча иссиқ ҳолатини узоқ вақт давомида бир хилда сақлаб турган. Музейнинг яна бир дурдона экспонатларидан бири сўз мулкининг сultonи Алишер Навоийнинг бутун дунёга машҳур “Ҳамса” асарининг қўлёзмаси бўлиб, китоб ҳозирги кунда адабиёт бўлими экспозициясида намойиш этилмоқда. Китоб хижрий 1273, милодий 1853 йили андижонлик хаттот мулло Тошмуҳаммад ибн мулло Каримбобо томонидан настаълиқ хатида қайта кўчирилган. Китобни музейга 1978 йили 5831 рақами билан қабул қилинган. Қўлёзма гўзал нақши муковага эга, у бўртиқ ва бўртма ҳолатдаги ромбсимон гуллар билан безатилган. Муқоваси қалин қизғиши тусли чармдан орасига қалин қаттиқ картон қофоз олиб тайёрланган. Қўлёзма 53x31 см.ҳажмда. Асар туркий тилда, настаълиқ хатида, юпқа, шилдироқ қўқон паранг қофозига устунча шаклидаги қизил ва қўқ рангли ҳошиялар ичига қора ва қизил туш билан ёзилган. Китоб 311 варак, 622 сахифадан

иборат бўлиб, қўлёзма Навоийнинг 1498-1499 йилларда яратилган сўнгти достони “Лисон-ут-тайр” асари билан бошланган. Китоб 1273 йил мухаррам ойининг 29 санасида, душанба куни ёзиб тугатилганлиги китобнинг якунида ёзиб қўйилган. Ҳозирги кунда музей экспозициялари замон талаблари руҳида янги экспозиция режалари асосида қайта жиҳозланган бўлиб, музейда хазина, тарих, табиат, адабиёт ва санъат, мустақиллик, маънавият, хотира ва қадрлаш бўлимлари фаолият олиб бормоқда. Музейда илмий ва оммавий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги ва илмий ходимларнинг астойдил, жонбозлик билан меҳнат қилганликлари боис йилдан-йилга музей зиёратчиларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Натижада сайъи-ҳаракатларимиз муносиб баҳоланиб, 2017 йил 11 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 975-сонли қарори асосида Наманган вилоят тарихи ва маданияти музейи олий тоифали музейлар қаторидан ўрин олди. Бундай эътибор музей ходимларининг зиммасига улкан масъулият юклаш билан бир қаторда, янада шижаат ва ғайрат, мамнуният билан ишлашга ундаdi.



Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ўзбекиддин миллий энциклопдияси 5-тон
- 2.Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий санъат китоби
- 3.Интернет саҳифалари
- 4.Архив.uz
- 5.www.tdpu.uz www.kasu.uz